



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ УСТИВОРЛИГИ БЕЛГИЛАНГАН

<sup>1</sup>Ахроров Бахром Джаббарович

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги  
университети профессори,

<sup>2</sup>Наримов Икром Шерматович

Тошкент шаҳар Прокурорининг биринчи ўринбосари.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440497>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 14<sup>th</sup> December 2022

Online: 15<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS

Конституция ва қонунийлик, принциплар, инсон ҳуқуқлари, Ковеция, Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, суд, суд ҳукми, асосий қонун, жазога лойиқлиги, айбсизлик, айблилиқ, ҳуқуқий оқибат, зарар.

Ҳар қандай демократик жамият, авваломбор қонунийликка, қонун тенгсиз олий ечим, қонун ҳар қандай муносабатнинг устиворлик тамойилига асосланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев, - Конституция ва қонун устиворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади [1], - деб таъкидлаганида, аввало қонунийликни назарда тутати, қонунийлик ҳуқуқий давлатнинг бош омили бўлишлиги лозимлигини назарда тутати. Шундай экан, қонунийликнинг моҳияти жиноят қонунларимизда инобатга олинганми, қонун устиворлиги таъминланганми, таҳлил қилишни ёритиб беришни тақазо этади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас

### ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги “Конституция ва қонунларнинг устиворлиги” принципнинг жиноят кодексида ўз ифодасини топганлиги, жиноят қонунларига мувофиқ жавобгарлик ва жазоларни қўллашда қонийликка риоя қилиш механизмлари бўйича фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Шунингдек, шахснинг айбсизлик презумциясига мувофиқ равишда қонунийликка амал қилиш ва суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятларида қонунийлик принципларининг асослари таҳлил қилиб берилган.

экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эди.

Қонунийликка риоя қилишда авваломбор, Конституциямизга мурожат қилиш лозим, жумладан, қонунийликка риоя этиш мажбурийлиги Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни 15-моддаси 1-қисмида қайд этилганидек, «Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади»[2], деб белгиланганлиги нафақат қабул қилинадиган қонунлар ёки қонуности ҳужжатларнинг, балки хатто Конституция нормаларининг ҳам қабул қилинишида амал қилинишини англатади. Қонун устиворлиги – дейди Президент Ш.М.Мирзиёев,- бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор



шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир [3].

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 14-моддасига асосан, Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Қонунийлик принципи давлат фаолиятининг асосий принципи ҳисобланиб, ушбу конституциявий қоидалар Жиноят кодексининг устивор асоси сифатида қонунийлик принципида ўрнатилган ҳамда у Конституциянинг 16-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари нормалари ва принципларига зид келмаслиги лозим [4].

Жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларида қонунийлик принципи жиноят қонунларининг туб моҳиятини ифодалаган бўлиб, асосан ЖК вазифаларига нисбатан қўллашга мос ҳолда талқин қилинади. ЖКнинг 4-моддасида ушбу принцип қуйидагича белгиланган: «Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога лойиқлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланади. Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб, жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва мажбуриятларни бажаради».

Умумҳуқуқий соҳанинг асоси бўлган қонунийлик принциpidан фарқли равишда кодексдаги ушбу принцип,

авваламбор, жиноят, жазо ва бошқа ҳуқуқий чораларнинг қўлланилиши фақат Жиноят кодекси асосидагина тартибга солинишини англатади. Қонунийлик принципига жиноят-ҳуқуқий ёндашувнинг кўриниши сифатида айбсизлик презумпцияси ва айбдор шахснинг ҳуқуқий мақомини кўрсатиш мумкин.

Қонунийлик принципи жиноят-ҳуқуқий маънода қуйидагиларни англатади:

– фақат Жиноят кодексида қандай қилмиш жиноят сифатида тан олиншини, айбдорга қандай жазо қўллаш (унинг тури, чегараси ва тайинлаш тартиби) ва жиноят содир қилиш, жазодан ташқари, яна қандай бошқа ҳуқуқий оқибатлар туғдириши мумкинлигини белгилайди (*nullum crimen sine lege*);

– фақат суднинг ҳукмига ва мутлақо қонунга асосан шахс жиноят содир этган деб топилиши ва жазоланиши мумкин;

– айбланувчининг ҳуқуқий ҳолати фақатгина қонун билан тартибга солинади.

«*Nullum crimen sine lege*» принципи қонунийликнинг жиноят-ҳуқуқий принципи учун асосий ва анъанавий принцип ҳисобланиб, у айнан қонун билан тақиқланган хатти-ҳаракатгина жиноят эканлигини англатади. Бироқ «*nullum crimen sine lege*» принципи ўз мазмун-моҳиятига кўра янада кенгроқ ва бой бўлиб, қуйидаги бир неча жиҳатларни қамраб олади:

– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асос бўладиган ва унинг ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берадиган қонунчилик манбалари;



– шахсни жиноий жавобгарликка тортиш шартлари ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлашда қонунчилик ҳужжатлари турларининг тартибга солинишини назарда тутати. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, унга жазо тайинлаш ва ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билангина белгиланади. Бу ҳар қандай бошқа қонун ҳужжати қўлланишини истисно этилишини англатади. Бу талабда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари фақат Жиноят кодексидан иборатдир, деб кўрсатилган. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1-моддаси талабларига тўла мос келади.

Шундай қилиб, қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортишда жиноят қонунининг аниқ ва ягона шаклини ўрнатиб, унинг юридик ва бошқа ҳуқуқий оқибатларини тартибга солади. Жиноят қонунида кўрсатилмаган ҳар қандай бошқа қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўйилмайди.

Қонунийлик принципи шахсни жиноий жавобгарликка тортиш асосларини белгилашда намоён бўлади. Амалдаги қонунчиликка кўра, шахс жиноий жавобгарликка содир этган муайян қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) учунгина тортилиб, унинг фикри ва қарашлари жиноий жавобгарликка тортишга асос бўла олмайди. Жиноят кодекси 4-моддаси 1-қисмида қонунийлик принципи ҳақида тўхталиб, жиноят ва жазо фақат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик орқали содир

этилиши назарда тутилган. Қонунийлик принципининг ушбу қоидаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (29-модда), Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари ва принциплари, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактда (15-модда) кўрсатиб ўтилган қоидаларга тўла мос келади.

Шунингдек, қонунийлик принципи у ёки бу хатти-ҳаракатни жиноят сифатида қабул қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш таҳдиди билан жиноят қонунида мустаҳкамлайди. Жиноий қилмиш шахснинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги билан тавсифланади.

Қилмишнинг жиноийлиги уни ижтимоий хавfli деб баҳолаш учун асос бўладиган ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг таркиби билан ифодаланади. Жиноий қилмишнинг ижтимоий хавfliлиги оқибатида Жиноят кодекси билан ҳимояланадиган ижтимоий муносабатларга етган ёки етиши мумкин бўлган зарар даражасида ифодаланади.

Қилмишда жиноийлик хусусиятининг мавжуд эмаслиги шахсни жиноий жавобгарликка тортмасликка асос бўлади. Ҳеч ким асоссиз қамалиши, ушланиши ёки қувғин қилиниши мумкин эмас [5]. Масалан: шахснинг қандайдир шартнома шарти мажбуриятини бажармаганлигини асос қилиб озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмайди. Шунга ўхшаш қоида МДХнинг Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги Конвенциясида ҳам ўз ифодасини топган (Конвенциянинг 5-моддаси) [6].



Қилмишни жиноий деб топиш учун бошланғич нуқта сифатида, уни ижтимоий муносабатлар учун хавфлилигини аниқлаш ҳисобланади, яъни жиноят қонуни ижтимоий жиҳатдан зарур бўлиши лозим: агар ҳаракат, ижтимоий ҳаёт талабидан келиб чиқиб, етарли даражадаги ва хусусиятдаги хавфлиликни ташкил қилмаса, у жиноийлик хусусиятини йўқотади ва Жиноят кодексидан чиқарилиши шарт.

Қилмишнинг жазога лойиқлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар ҳам жиноят қонунда белгиланиши қонунийлик принципнинг ўзига хос кўринишини ташкил қилади.

Қилмишнинг жазога лойиқлиги ҳам қонунийлик принципи учун унинг жиноийлигини белгилашдан кам бўлмаган равишда аҳамиятга эга. Аммо қилмишнинг жиноийлиги шахс ҳаракат ёки ҳаракатсизлигининг хусусияти бўлса, қилмишнинг жазога лойиқлиги уни содир этганликнинг оқибати бўлиб, жиноий қилмиш содир этган шахсни ЖКда белгиланган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилишда ёки уларни чеклашда ифодаланади.

ЖКга мувофиқ жазога лойиқлиги жиноят содир этган шахсга нисбатан қаттиқроқ таъсир чораларини – жиноий жазо чораларини қўллашни назарда тутлади. Ушбу чоралар шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда чеклайди, шунинг учун уларни қўллаш фақат жиноят қонуни билан тартибга солиниши лозим. Қонунийлик принципнинг жиноят қонунда намоён бўлиши айнан шунда ифодаланади. Бунда қилмишнинг жазога лойиқлиги, жиноий жазо чоралари жиноят қонунда умуман

(жазо тизими сифатида) ва хусусан аниқ жиноят учун назарда тутилган бўлишини англатади. Ушбу белгилардан бирортасининг мавжуд эмаслиги қўлланилган жазони қонуний деб топишни истисно қилади.

Бошқа ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқиши жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлиб, аммо жиноий жазолар сирасига кирмайди. Жумладан, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишнинг барча кўриниши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш, судланганлик ва ҳоказолар бошқа ҳуқуқий оқибатлар жумласига киради. Қонунийлик принцигига кўра, барча ҳуқуқий оқибатлар фақат жиноят қонунига асосланмоғи керак. Шунинг учун жиноят қонуни қамраб олинмаган жиноий қилмишнинг ҳуқуқий оқибатлари қонунга асосланган деб тан олинмайди (масалан, судланганлиги олиб ташланган шахсни ишга қабул қилишдан бош тортиш ноқонуний ҳисобланади).

Қонунийлик принципи жиноят қонунини қўллаш жараёнида унинг мазмунини қонун матнига тўла мос равишда тушунилишини назарда тутлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Жиноят кодекси нормаларини ўз хоҳишларига кўра талқин қилмасдан, биринчи навбатда, қонун мазмунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришларига асосланишлари лозим. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш керакки, пленум қарорлари амалдаги Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар кирита олмайди. Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан қонунчилик



ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар томонидан таклиф киритилганидан кейин қонун чиқарувчи орган томонидан тегишли тартибда ҳал қилинади.

Жиноят қонунини қисман қўллаш, яъни унинг маълум бир қисмини – фақат диспозиция ёки фақат санкциясини қўллаш қонунийлик принципини қўпол бузиш ҳисобланади. Қонунийлик принципи бузилиши оқибатида айбдор шахс жавобгарликсиз қолиши (жиноий жавобгарлик асослари бўла туриб, шахс қонунга хилоф равишда жазодан озод қилиб юборилганда) ёки айбсиз шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, (асоссиз равишда қилмишни жиноят деб квалификация қилиш оқибатида шахснинг судланиши) жиноят қонуни билан жазоланиб қолганида. Қонунийлик нафақат жиноят-ҳуқуқий нормани уни ташкил этувчи барча қисмлари ҳажмида қўллашни, балки қилмишни муайян нормага мувофиқ, унда назарда тутилган жиноятнинг барча белгилари бўлгандагина квалификация қилинишини назарда тутди.

Қонунийлик принципнинг мазмуни қонунга асосланган ҳолда суд ҳукми билан шахсни айбдор деб топишда ва жазо тайинлашда намоён бўлади. Ушбу қоида Конституциянинг 26-моддасида ўрнатилган айбсизлик презумпциясидан келиб чиққан бўлиб, айти пайтда у жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципнинг таркибий элементи сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

– шахснинг муайян қилмишининг жиноят эканлиги фақат суд ҳукми билан аниқланади;

– содир этилган муайян жиноят учун жазо ҳам фақат суднинг ҳукми билан тайинланади;

– шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва суд ҳукмини чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланади.

Айбсизлик презумпцияси жиноят қонуни нуқтаи назаридан *nullum crimen sine lege* принципини қўллашнинг хусусий ҳолати, яъни ушбу принципни инсон томонидан содир этилган муайян қилмишга қўллашдир. Тўғрироғи, ЖК қилмишлар таркибининг умумий шаклини инсон фаолиятининг муайян ифодасига боғламаган ҳолда белгилайди. Шу билан бир вақтда, қонунийлик принцип сифатида содир этилган қилмишнинг барча ҳолатларига нисбатан қонунни тўлиқ қўллашда индивидуал ёндашувни талаб қилади. Индивидуал ёндашув жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан, муайян иш бўйича чиқарилган суд ҳукмида ўз ифодасини топади.

Суд ҳукми – суд ҳокимиятининг жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳамда судланувчининг айбдор ёки айбсизлигини, жазо чорасини белгилайдиган, шунингдек, судланувчини айбдор ёки айбсиз деб топиш натижасида бошқа ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий актдир [7].

Бир неча судланувчига нисбатан чиқарилган суд ҳукми жиноят қонунини индивидуаллаштирган ҳолда қўлланилиши билан фарқланиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 457-моддасига асосан, суд ҳукм чиқаришда судланувчиларнинг ҳар бирига



нисбатан қуйидаги масалаларни ҳал этиши лозим:

- судланувчи айбли деб топилаётган қилмиш ҳақиқатдан ҳам содир этилганми;
- бу қилмиш жиноят ҳисобланадими ва у Жиноят кодексининг қайси моддасида назарда тутилган;
- бу қилмишни судланувчи содир этганми;
- судланувчи жиноят содир этилишида айблими, башарти айбли бўлса, унинг айби қандай шаклда;
- судланувчининг жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар мавжудми;
- судланувчи содир этган жинояти учун жазоланиши керакми;
- судланувчига нисбатан қандай жазо тайинланиши лозим ва шу жазони ўташи керакми;
- судланувчини Жиноят кодексининг 34-моддасига мувофиқ ўта хавфли рецидивист деб топиш лозимми;
- озодлиқдан маҳрум қилинган маҳкум жазони қандай тартибли колонияда ўташи лозим ва у жазо муддатининг бир қисмини турмада ўташи керакми;
- фуқаровий даъво қаноатлантириш керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозим, шунингдек, фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар солидар ёки ҳиссали жавобгарликка тортилишлари керакми;
- фуқаровий даъво қаноатлантириш учун хатланган мол-мулкни нима қилиш керак;
- ашъвий далилларни нима қилиш керак;

- процессуал чиқимларни кимнинг зиммасига ва қанча миқдорда юклаш керак;

- судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, илгаригисини қолдириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш керакми;

- судланувчига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурулов чораларини қўллаш ёхуд унинг устидан ҳомийлик белгилаш лозимми.

- судланувчига нисбатан лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурулов чорасини бекор қилиш керакми.

Суд ҳукми – бу суд ҳоқимиятининг Ўзбекистон Республикаси номи билан чиқарадиган ягона ҳужжати бўлиб, у шахс томонидан содир этилган қилмишга нисбатан ҳуқуқӣ баҳо беради.

Шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топиш ва ҳукм чиқариш тартиби фақат қонунда белгиланиши керак бўлиб, у қонунийлик принципининг ажралмас қисмидир. Агар шахснинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидан иборат қилмишларнинг жиноийлиги ва жазога лойиқлигининг умумий қоидалари қонун томонидан ўрнатилган бўлса, унда муайян ҳолатларга нисбатан ушбу қоидаларни қўллаш тартиби ҳам қонунда белгиланган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикасида шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ва унга нисбатан ҳукм чиқариш тартибини белгиловчи қонун Жиноят-процессуал кодексидир.

Қонунийлик принципининг таркибий қисмларидан бири бўлмиш айбсизлик презумпциясига кўра, айбдорлиги



исботланган жиноятчига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш чоралари ҳали жиноят содир этганликда айбланаётган шахсга нисбатан қўлланилишига йўл қўйилмайди. Айбланувчи, ҳаттоки, қамоқда сақланаётганда ҳам маҳкумнинг ҳуқуқий мақомидан фарқ қилувчи ҳуқуқий мақомга эга бўлади, хусусан, у сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга, ишдан бўшатилиши мумкин эмас, у шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқларидан фойдаланади. Айбланувчининг конституциявий ҳуқуқларини барча чеклашлар фақат зарур ҳоллардагина қонун асосида қўлланилиши мумкин.

Жиноят содир этганликда айбдор деб топилган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фақат қонун билан тартибга солиниб, бу жиноят ҳуқуқидаги қонунийлик принципнинг яқунловчи босқичидир.

Шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш унинг ҳуқуқий мақомининг ўзгаришига олиб келадиган оқибатларни келтириб чиқаради.

Хусусан, айбдор деб топилган шахснинг баъзи бир ҳуқуқлари чекланиши билан бирга унга айрим қўшимча мажбуриятлар ҳам юклатилади. Ҳуқуқий ҳолатдаги бу ўзгаришлар маҳкумга жазо тайинлашда ёки айбланувчига бошқа таъсир чораларини қўллашда (тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари, шартли ҳукм қилиш ва бошқалар) намоён бўлади. Шундай қилиб, айбланувчининг ҳуқуқий мақомини чекловчи у ёки бу

чоралар фақат қонунга (ЖК, ЖПК) асосланади, бошқа қонуности актлар инобатга олинмайди.

Ушбу талаблар ЖКнинг 4-моддасида ўрнатилган «*nullum crimen sine lege*» қонидасидан келиб чиқиб, унга мувофиқ жазога лойиқлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар фақат қонунда белгиланади. Унга кўра айбдор деб топилган шахсга нисбатан тайинланадиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларининг моҳияти қонун билан белгиланган бўлиши керак.

Қонунийлик принципи, нафақат, қонунни қўллаш амалиётида, балки қонун ижодкорлиги жараёнида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, жиноят қонуни жиноий қилмиш ва уни содир этишнинг ҳуқуқий оқибатларига хос бўлган аломатларни аниқласа, қонунийлик принципи қонун чиқарувчини муайян жиноятнинг аломатларини аниқ ва тўлиқ кўрсатиш ҳамда жиноят қонунининг ўзида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни ечишга ундайди.

Қонунчиликда ушбу принципнинг роли хатти-ҳаракатларнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқ кўрсатган ҳолда қонуннинг аниқ ва бир хилда амал қилишини таъминлашда кўринади.

Бу принципга риоя қилиш жиноят қонунчилигида жазо тайинлаш амалиётида бир хилликни таъминлашга ёрдам беради. Ўз навбатида, ушбу қоидалар жазо санкциялари миқдорини ва бошқа ҳолатларни белгилаши билан ҳам узвий боғлиқдир.



## References:

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан (2019 йил 7 декабрь). "Халқ сўзи", 2019 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: "Ўзбекистон" – 2020 й. 15-моддаси.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан (2019 йил 7 декабрь). "Халқ сўзи", 2019 йил 8 декабрь.
4. Рустабоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент. "Адолат" 2016 йил. 44 бет.
5. БМТнинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», 9-моддаси. [//https://constitution.uz/uz/pages/humanrights](https://constitution.uz/uz/pages/humanrights)
6. Конвенция СНГ о правах и основных свободах человека (26 мая 1995г., Минск). [//https://cis.minsk.by/page/11326](https://cis.minsk.by/page/11326)
7. Рустабоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига шарҳ. Умумий қисм. Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр. Тошкент. "Адолат" 2016 йил. 47 бет.